



**Tadqiqot.uz**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



**30 Sentyabr  
№32**

**CONFERENCES.UZ**

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
9-ҚИСМ**

---

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ  
32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ  
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"  
ЧАСТЬ-9**

---

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN  
32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE  
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH IN UZBEKISTAN"  
PART-9**

**ТОШКЕНТ-2021**



**УУК 001 (062)**  
**КБК 72я43**

## **"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 32-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



## 22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

## 23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## 24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

## 25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ  
ТУТГАН ЎРНИ

<b>1. Avezov Humoyun Ithomovich</b> RAQAMLASHTIRISH - QISHLOQ XO'JALIGI SANOATINI STRATEGIK BOSHQARISH VOSITASI SIFATIDA.....	7
<b>2. Қайтаров Воҳид Раимқулович</b> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА БАНК- НИНГ ИЧКИ АУДИТИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР .....	9
<b>3. Қайтаров Воҳид Раимқулович</b> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА РАҚАМЛИ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА СБЕРБАНК ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ .....	11
<b>4. Иномжонов Ислонжон Илхомжон ўғли</b> КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИ- РИШДА АНЪАНАВИЙ ВА ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАҚҚОСЛАМА ТАҲЛИЛИ.....	13
<b>5. Шерзод Зиё</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИПОТЕКА КРЕДИТЛА- РИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ .....	15
<b>6. Умарова Малика Бахтияровна</b> ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ .....	17



## ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

### РАҚАМЛАСHTIRISH - QISHLOQ XO'JALIGI SANOATINI STRATEGIK BOSHQARISH VOSITASI SIFATIDA.

**Avezov Humoyun Ilhomovich**

Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti

Samarqand filiali Xalqaro hamkorlik

bo'limi boshlig'i

Telefon :+998(97)549 40 00

humoyun\_ilhomovich@mail.ru

**Annotatsiya:** Bugungi kunda respublikamizda qishloq xo'jaligini raqamlashtirish, qishloq xo'jaligi sub'ektlari o'rtasidagi o'zaro munosabatlarda bozor tamoyillarini joriy etish, zamonaviy resurs tejoychi va intensiv agrotexnologiyalarni joriy etishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Quyida raqamli texnologiyalarni qishloq xo'jaligi iqtisodiyotidagi istiqbollari haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy texnologiyalar, Qishloq xo'jaligini raqamlashtirish, «aqli» qishloq xo'jaligi.

Prezidentimiz SH.M.Mirziyoyevning 2017-yilning 29-noyabridagi «Innovatsion rivojlanish vazirligini tashkil etish to'g'risida»gi farmonga ko'ra, qishloq xo'jaligiga innovatsiyalarni joriy etish sohasida eng avvalo, mavjud yer, suv va boshqa tabiiy resurslardan oqilona foydalanish imkonini beruvchi «Aqli qishloq xo'jaligi» konsepsiyasiga asoslangan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishining zamonaviy sinalgan shakllarini joriy etish, agrar sektorda qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini maksimal darajada avtomatlashtirish, hosildorlikni jiddiy oshirish va moliyaviy ko'rsatkichlarni yaxshilash, shuningdek, mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash imkonini beruvchi innovatsion g'oyalar, ishlanmalar va texnologiyalarni joriy etishga ko'maklashish kabi vazifalar vazirlikning asosiy faoliyat yo'nalishlari etib belgilandi. Olimlarning taxminlariga ko'ra, 2050-yilga borib Yer sayyorasi aholisi 9,6 milliardga yetib, ularni oziq-ovqat bilan ta'minlash uchun bugungiga nisbatan 70 foiz ko'p mahsulotlar kerak bo'lar ekan. Ammo, ekologik vaziyatning yomonlashishi, energiya vositalarining qimmatlashuvi va yer unumdorligining pasayib ketishi talab darajasidagi oziq-ovqat ishlab chiqarishga jiddiy to'siq bo'lishi ham ta'kidlanmoqda. Bu muammolarni dehqonchilik faoliyatini o'zgacha usullar asosida boshqarish, xususan, sohaga narsalar interneti konsepsiyasi kabi zamonaviy texnologiyalar va innovatsion yechimlar kiritish, bir so'z bilan aytganda, «aqli» qishloq xo'jaligi orqali hal etish mumkin. Hozirgi kunda IT-texnologiyalar yer maydonlarida asosan don ekinlari yetishtirishda faol qo'llanilyapti va bu «aniq dehqonchilik» nomi bilan atalyapti. O'zbekistonda raqamli texnologiyalardan foydalanish tendensiyalari global tendensiyalarga mos keladi - bu qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmining o'sishi va soha rentabelligining oshishi, texnologiyalar rivojlanib arzonlashishiga yo'l ochadi. Kelgusida yurtimizda «Qishloq xo'jaligini raqamlashtirish» dasturini boshlash qishloq xo'jaligi erlarini hisobga olish va agrosanoat majmuasida ishlab chiqarilgan barcha mahsulotlarni kuzatib boorish imkonini beradi va raqamli texnologiyalarni joriy etish qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi va yosh kadrlarni agrobiznesga jalb qiladi. Qishloq xo'jaligini raqamlashtirish dasturining maqsadlaridan biri yagona axborot tizimini yaratishdir.

Rivojlangan davlatlardagi fermer xo'jaliklari IT-texnologiyalar va innovatsiyalarni o'z sohalariga aktiv targ'ib qilib kelishmoqda. Bu - turli datchiklar, sun'iy yo'ldoshlardan olinadigan ma'lumotlar va mobil ilovalardir. Ular yordamida urug'larni ekish, sug'orish, chopiq qilish va aniq bir daladagi hosilni yig'ib olish uchun eng qulay vaqt aniqlanadi. Texnologiyalar yetkazib berishning optimal marshrutini tanlash yoki meva va sabzavotlarning chirib ketishining oldini



olish maqsadida omborlardagi haroratni kuzatib borishni ta'minlaydi. Ular yordamida fermerlar xaridorlar bilan bevosita muloqotni yo'lga qo'yadilar, yangi bozorlarga chiqadilar va oldindan buyurtmalar oladilar. Aytaylik, fermerlik harakati bilan shug'ullanib kelayotgan dehqon uzoq yillardan beri bodring o'stirib keladi, mahsulotini eksportchilarga ulgurji narxda sotadi va yangi mavsumga tayyorgarlik ko'rishni boshlaydi. Datchiklar va mobil ilova yordamida u keyingi yil qaysi qishloq xo'jalik mahsulotiga talab ko'proq bo'lishini aniqlashi va aynan shu mahsulotni o'z dalasida o'stirishi mumkin. Agar dalasi ushbu mahsulot yetishtirishga mos kelsa, internet orqali investor topishi va yangi mahsulotni o'stira boshlashi mumkin. Bu mahsulotga bo'lgan talab yuqoriligi tufayli fermerning sotuvdan bo'lgan daromadi ancha yuqori bo'ladi. Bundan tashqari tayyor savdo bozorlari va aniq xaridorlardan kelib tushadigan talablar ham mavjud bo'ladi. Fermerda eksportchi bilan savdolashish ehtiyoji qolmaydi, faqatgina yaxshi narx beradigan xaridorni tanlashning o'zi kifoya bo'ladi. Bu agro ishlab chiqarish sektorida texnologiyalarni qo'llashning atigi bir misolidir. Hozirda agrostartaplarga investitsiyalarni aktiv jalb etayotgan davlatlar — AQSh, Xitoy, Hindiston, Kanada, Isroil hisoblanadilar. Bu davlatlardagi investorlar doimo yangi bozorlarni qidirishadi. Respublikamizdagi keng imkoniyatlarni inobatga olib, ushbu sohani rivojlantirish mumkin va shartdir. Hozirda ko'plab fermer xo'jaliklari o'z mahsulotlarini arzon narxlarda eksportchilarga sotishadi. Chunki ularda logistika masalalarini o'rganish, eksport-import shartnomalarni rasmiylashtirish va yangi bozorlarni qidirishga ishtiyoq yo'q. Xarajatlarni qisqartirish, samaradorlikni oshirish - har qanday darajadagi va yo'nalishdagi zamonaviy qishloq xo'jaligi korxonasini rivojlantirishning asosiy maqsadidir. Mutaxassislar fikriga ko'ra, bugungi kunda raqamli ishlarni va texnologiyalarni joriy etish orqali iqtisodiyot ishida kerakli sifat o'zgarishlariga erishish mumkin. Ushbu yo'lni hali ham oson va tez deb atash mumkin emas.

Yurtimiz zamini serhosil, bahorda tayoq suqsak kuzda meva beradi. Lekin, aholimizning yildan yilga ko'payib borayotganini, suv, elektr energiyasi va boshqa tabiiy zaxiralarimizning cheklanganini inobatga olsak, «aqli» qishloq xo'jaligining naqadar ahamiyati kattaligini anglashimiz mumkin.

### **Adabiyotlar**

1. World Bank Digital Dividends. World Development Report, 2016. URL: <http://documents.worldbank.org/curated/en/896971468194972881/pdf/102725-UBReplacementPUBLIC.pdf>
2. Brynjolfsson E., Hitt L.M. and Kim H.H. Strength in Numbers: How Does Data – Driven Decision making Affect Firm Performance? – Social Science Research Network (SSRN), 2018. URL: [http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract\\_id=1819486](http://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=1819486)
3. World Economic Forum. The Digital Transformation Initiative. – White Paper, 2017. URL: <https://www.weforum.org/whitepapers/digital-transformation-initiative>
4. OECD. Digital Economy Outlook 2017. – OECD Publishing, Paris. URL: <http://dx.doi.org/10.1787/9789264232440-en>
5. Ergashev R.X., Fayziyeva Sh.Sh., Xamrayeva S.N. Qishloq xo'jaligi iqtisodiyoti. T.: "Iqtisod-Moliya", 2018.



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА БАНКНИНГ ИЧКИ АУДИТИГА ҚЎЙИЛГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

**Қайтаров Воҳид Раимқулович**

Халқ банки Риск таҳлил ва стресс-тестлаш  
департаменти директори ўринбосари  
Телефон: (90) 028-10-09  
v.qaitarov@xb.uz

**Аннотация.** Мазкур тезисда тижорат банкларида корпоратив назорат тизимини ташкил этишда ички аудит хизматининг фаолиятини такомиллаштиришга қўйилган талаблар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** *корпоратив назорат, ички аудит, ташқи аудит, аудит кенгаши, аудиторлик назорати, жорий назорат*

Бугунги кунда тижорат банкларида корпоратив назорат тизимини ташкил этишда банкларнинг ички меъёрий ҳужжатларидан кенг фойдаланилмоқда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги кунда корпоратив назорат тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш муҳим долзарблик касб этади.

Банк бошқарув кенгаши томонидан тижорат банкида корпоратив назорат тизимининг асосий механизми сифатида ички аудитга бир қатор талаб қўйилади. Чунки, банклар фаолияти мустақамлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун энг аввало улар фаолиятини ички ва ташқи аудит текширувлари орқали доимий назорат қилиб бориш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, яъни мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (уни бекор қилиш) акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қарор қабул қилиниши ҳамда жамиятнинг ички аудит хизмати (у мавжуд бўлса) ўз фаолиятида ушбу қўмига ҳисобдорлигининг белгиланганлиги ҳам назорат тизимини такомиллаштиришда жуда муҳимдир [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони [2], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2021 йил 7 майдаги “тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3302-сонли қарори қабул қилинди.

Хусусан, Марказий банкнинг тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомида ички аудит хизмати ходимлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари кераклиги қайд этилган:

олий маълумотга эга бўлиши;

банк ва (ёки) молия тизимида таваккалчиликларни бошқариш, актив ва пасивларни бошқариш, кредитлаш, валюта, пул муомаласи ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ таркибий бўлинмаларнинг бирида ёки бир нечасида ёки ташқи аудитор сифатида камида 1 йиллик иш тажрибасига ёки «Сертификатланган ички аудитор (CIA)», «Сертификатланган молиявий таҳлилчи (CFA)» халқаро сертификатларига, халқаро бухгалтерлар сертификатларига («Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ёки «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» ва (ёки) таваккалчиликни бошқаришга оид халқаро сертификатларига («Сертификатланган риск менежери (CRM)» ёки «Молиявий риск менежер (FRM)» эга бўлиши;

бош аудитор банк ва (ёки) молия тизимида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан, номзод тавсия этилаётган ташкилий тузилмада камида 3 йиллик раҳбарлик лавозимларида иш тажрибасига эга бўлиши;

банк соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини ва Марказий банк томонидан қабул



қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши;

бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида доир қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро стандартлар ҳамда аудитнинг халқаро стандартлари бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлиши [3].

Низомга мувофиқ, Бош банк ва филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш Банк кенгаши томонидан тасдиқланган “Аудит хизматининг филиаллар фаолиятини аудитдан ўтказиш бўйича текшириш режаси”га асосан амалга оширилади ва ушбу ҳужжат махфий ҳисобланади. Текшириш режасига Бош банк ва унинг барча филиаллари киритилган бўлиши лозим. Филиалларнинг депозит бўйича ахволи кескин ўзгарган ҳолатларда ёки аудитор томонидан депозит хафсизлигига таҳдид аниқланганда текшириш режасига ўзгартириш киритилиши лозим.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сонли фармони;
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2021 йил 7 майдаги “тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 3302-сонли қарори



## ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА КОРПОРАТИВ НАЗОРАТ ТИЗИМИГА РАҚАМЛИ БАНК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА СБЕРБАНК ТАЖРИБАСИ ТАҲЛИЛИ

**Қайтаров Воҳид Раимқулович**

Халқ банки Риск таҳлил ва стресс-тестлаш  
департаменти директори ўринбосари

Телефон: (90) 028-10-09

v.qaitarov@xb.uz

**Аннотация.** Мазкур тезисда муаллиф томонидан тижорат банкларида корпоратив назорат тизимига рақамли банк технологияларини жорий этиш бўйича сбербанк тажрибаси таҳлиliga тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** корпоратив назорат, корпоратив этика, комплаенс назорат, комплаенс риск, манфаатлар тўқнашуви, жорий назорат, алоқа каналлари

Маълумки, Республикамиз банк сектори ривожланишининг жорий ҳолатида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви муаммоси билан биргаликда давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва рискларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги намоён бўлмоқда.

Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни тўғри йўлга қўйиш орқали хусусан, давлат иштирокидаги тижорат банклари фаолияти шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш, хусусан, инвесторлар учун жозибadorлигини таъминлашга эришиш мумкин. бу борада ривожланган хориж тажрибаси билан яқиндан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Сбербанкда банкнинг комплаенс рискларни аниқлаш, идентификациялаштириш ва мослаштириш мақсадида юборилган маълумотларнинг махфийлигини таъминловчи корпоратив каналлар ишга туширилган бўлиб, улар қуйидгилардан иборат: телефон, Сбер веб-сайти, электрон почта орқали, почта [1].

Сбербанк тизимида корпоратив назорат соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи асосий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

Сбербанк гуруҳининг корпоратив этикаси кодекси;

Сбербанкнинг комплаенс хатарини бошқариш сиёсати;

Сбербанкнинг коррупцияга қарши сиёсати;

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Сбербанк гуруҳининг сиёсати;

Инсайдер маълумотларидан ноқонуний фойдаланишга ва бозорни манипуляция қилишга қарши кураш бўйича Сбербанк сиёсати;

Сбербанк молиявий воситалар билан операцияларни амалга ошириш қоидалари;

Президент, Бошқарув Раиси буйруғи билан тасдиқланган Сбербанк инсайдерлари тўғрисидаги маълумотлар рўйхати;

Халқаро ташкилотлар ва алоҳида давлатлар томонидан белгиланган махсус иқтисодий чора-тадбирлар бўйича сиёсат;

Ташқи ҳисобларни солиққа тортишда АҚШ қонунчилигини амалга ошириш бўйича сиёсат (Foreign Account Tax Compliance Act, FATCA);

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуроллариининг тарқалишини молиялаштиришга қарши ички назорат қоидалари.

COVID-19 билан боғлиқ вазият Сбербанкда Комплаенс назоратини амалга ошириш натижаларига таъсир қилмади – барча тадбирлар белгиланган муддатларда амалга оширилди. Сбербанк ўзининг комплаенс-менежменти тизимининг ISO/IEC 19600:2014 “Комплаенс функциясини бошқариш” ва ISO/IEC 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизими» халқаро стандартлари талабларига мувофиқлигини тасдиқлади.

Тасдиқланган иш режаларига мувофиқ, 200 га яқин текширувлар, шу жумладан коррупцияга қарши қонунчилик талабларига бўйсунуши, миқдорлар активларини бошқаришда товламачилик ҳолатларини аниқлаш мақсадида қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятни, инсайдернинг ахборот ва бозор манипуляциясини суистеъмол қилинишига қарши курашиш бўйича тематик текширувлар ўтказилди.

Банкнинг корпоратив назорат тизимининг самарали фаолиятини бир қатори рақамларда



ҳам кўриш мумкин. хусусан, 2016 йилда Сбербанкга комплаенс-риск соҳасида белигиланган жарима миқдори 1450 минг рублни, 2017 йилда 450 минг рублни, 2018 йилда 8200 минг рублни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 1000 минг рублни, 2020 йилда эса 300 минг рублни ташкил этди [2].

280,000 дан ортиқ ходимлар комплаенс масалалари бўйича тематик таълим олдилар. Алоқа компаниялари (дайжестлар, скринсейверлар, плакатлар, видеолар) Сбербанк ходимларини комплаенсга риоя қилиш қоидалари ва талаблари ҳақида хабардор қилиш мақсадида ўтказилди.

2020 йилда корпоратив назоратни амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнларда сунъий интеллектдан фойдаланиш имкониятлари ўрганилди. Хусусан, Сбербанк ходимларига комплаенс масалалари бўйича маслаҳат бериш учун чатбот фаолияти йўлга қўйилди.

#### **Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Дадалко В.А., Тимофеев Е.А., Организация системы комплаенса в области защиты персональных данных, Economics and management of a national economy – 2019;
2. Сбербанкнинг 2020 йил учун йиллик ҳисоботи тўплами, 2021 йил



## КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА АНЪАНАВИЙ ВА ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИНГ ТАҚҚОСЛАМА ТАҲЛИЛИ

**Иномжонов Исломжон Илхомжон ўғли**  
Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Кадрлар департаменти бош мутахассиси  
Телефон: (91) 172-66-71  
inomjonovislomjon1993@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур тезисда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини молиялаштиришда анъанавий тижорат банк кредитларининг исломий молиялаштириш усули билан таққосланган ҳамда исломий молиялаштиришнинг афзалликлари тўғрисида муаллифнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** анъанавий молиялаштириш, сукук, мушорака, муробаҳа, мудораба, рибо, ижмо, қиёс, исломий молиялаштириш тамоиллари, такафул, ислом молияси, исломий банклар

Ислом молиясининг анъанавий молиядан фарқи фақатгина ундаги ахлоқий тамойиллар ва исломда судхўрлик (рибо)нинг таъқиқланганлигида бўлмасдан, балки ислом молиясининг иқтисодий фаолият билан узвий боғлиқлигида ҳамдир. Бу фарқ иқтисодий ўсиш шароитида унчалик кўзга ташланмасада, иқтисодий-молиявий инқироз шароитида ўзини яққол намоён этади.

Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган [1]. Исломий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади: Қуръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс [2].

Ислом банкларининг яна бошқа хусусиятлари икки тарафнинг тенглиги, олиб борилаётган фаолият ҳақида аниқ маълумотларга эга бўлиш ва инвестициядаги ишонч. Рибовий банкларда бу тамойил кузатилмайди. Ислом банкларида барча ишлар мижози билан ҳамкорликда бажарилади. Қарз беришда фойда олиш усулига таянилмайди, балки ўз мижози билан шерикчилик битими асосида иш юритади. Шерик бўлган тараф ва банк капитал ҳамда пулни идора қилишда шерик бўлади.

Ҳозирда ислом банкларида анъанавий банк операцияларининг деярли барча операцияларини амалга ошироқда. Улар саноат, аграр сектор, тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига катта маблағлар инвестиция қилмоқда.

Ислом молиясининг анъанавий молиядан фарқи фақатгина ундаги ахлоқий тамойиллар ва исломда судхўрлик (рибо)нинг таъқиқланганлигида бўлмасдан, балки ислом молиясининг иқтисодий фаолият билан узвий боғлиқлигида ҳамдир. Ушбу фарқ иқтисодий ўсиш шароитида унчалик кўзга ташланмасада, иқтисодий – молиявий инқироз шароитида ўзини яққол намоён этади.



1-жадвал

Анъанвий банк ва Исломий банк фаолияти ўртасидаги тафовутлар [3]

Анъанвий банк	Исломий банк
1. Пулни қиймати вақтга боғланади ва пулни риск билан қарзга беришдан фоиз ундирилади.	1. Пул товар ёки хизмат сифатида баҳоланмайди ундан фойдаланганлик учун қўшимча қиймат олиш мумкин эмас
2. Битимлар молиявий асосга эга активлар асосида тузилади.	2. Битимлар реал активлар асосида тузилади.
3. Омонатга қўйилган пуллари маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатлайди	3. Омонатга қўйилган пуллари маълум муддатда фоизи билан олишни кафолатламайди. Бу банк даромадига боғлиқ
4. Кредитни тўлаш белгиланган муддатдан ўтса, тадбиркор банкка кредитни қўшилган фоизи билан қайтариши баробарида ҳар бир ўтган куни учун пеня ҳам тўлаш керак бўлади.	4. Исломи банк кредитни белгиланган муддатдан кечиктириб тўлаши унга қўшимча пеня ундирилишига сабаб бўлмайди.
5. Тижорат банкни мижозлари билан алоқаси дебитор ва кредитор сифатида намоён бўлади	5. Исломи банкининг статуси эса мижозлар билан шерик, инвестор, лизинг берувчи ва лизинг олувчи сифатида кўрилади
6. Омонатчилар банкнинг инвестициялар ва ликвидликни бошқариш фаолияти тўғрисида маълумотга эга бўлмайди.	6. Омонатчиларга банкнинг инвестиция ва бошқариш фаолияти тўғрисида маълумот бериб борилади
7. Жисмоний ва юридик шахслар банкдан олинган кредит эвазига қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиши мумкин.	7. Банк кредитдан қонунчиликда тақиқланмаган фаолиятдан ташқари шариатда ҳам тақиқланмаган фаолият тури билан шуғулланиши мумкин. Масалан, спиртли ичимликлар ишлаб чиқариш, улар реализацияси билан шуғулланиш тақиқланади.
8. Пулни қарзга бериш ва фоизи билан белгиланган муддатда қайтариб олиш тижорат банкининг асосий функцияларидан биридир	8. Бизнесга пул тикиб шерик бўлиш ва фойдадан улуш олиш исломи банкининг асосий функцияларидан биридир
9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш олдиндан аниқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошишига кам аҳамият берилади	9. Молиялаштирилган лойиҳадан келадиган улуш фойда ва зарарга боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг ривожланиши ва амалга ошиши банкнинг диққат марказида бўлади.

Манба: Турсунов (2021)

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, исломи банкида таваккалчилик қилмасдан хавф-хатарни зиммасига олмасдан ва бирор меҳнат сарфламасдан пул топиш, умуман ҳаётнинг барча асосий жабҳаларида бошқа шахс ва жамиятга таҳдид соладиган ёки зарар келтирадиган нарсалар ортидан пул топиш тақиқланади.

Кўпчилик ҳали исломи ва анъанавий банклар томонидан таклиф қилинадиган маҳсулот ҳамда хизматлар ўртасидаги фарқни тушунмайди. Баъзилар исломи банклари анъанавий банк маҳсулот ва хизматларининг номи ўзгартирилган кўриниши деб ҳисобласа, бошқалари исломи банклари анъанавий “фоиз”ни “даромад” деб номлашади ва одамларни чалғитиш учун арабча атамалардан фойдаланишади деб иддао қилишади. Исломи банки қай тариқа ишлашини билмай туриб бу каби хулосаларга келиш ярамайди. Чунки бундай хулоса ва иддаолар исломи банкчилиги ривожланишига тўсқинлик қилади. Албатта биз исломи банкчилиги ва унинг айрим маҳсулотлари ривожини жараёнида турли муаммоларга дуч келаётганлигимизни тан оламиз. Чунки бу соҳа ҳали тўлиқ ўрганиб бўлингани йўқ.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Islamic Finance Outlook 2020 Edition, p37
2. Байдаулет Е.А. Основы этических (исламских) финансов, учебное пособие, Павлодар, 2014.
3. Турсунов А.С. Тижорат банкларида исломи банк хизмаларининг зарурлиги ва иқтисодий ўсишдаги аҳамиятининг назарий асослари // Бозор, пул ва кредит. 2020.-№6. С.14



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Шерзод Зиё

Ташқи иқтисодий фаолият  
Миллий банки ходими  
Телефон: (90) 982-00-50  
ceo\_bank9006@bk.ru

**Аннотация.** Мазкур тезисда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ипотека кредитлари бериш амалиётини такомиллаштириш имкониятлари ўрганиб чиқилган. Шунингдек, тижорат банкларининг ипотека кредитлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан яқиндан танишиб чиқилди.

**Калит сўзлар:** ипотека, субсидия, имтиёзли кредит, қайта молиялаштириш ставкаси, узоқ муддатли кредит, қисқа муддатли кредит, гаров объекти

Бугунги кунда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳолини, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Ёшларни, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истиқлолга эришган юртимизда ҳамиша давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган.

Буни ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорлар мисолида кўриш мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5106-сон Фармонини бажариш юзасидан, шунингдек мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиб, алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш йўли билан уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш мақсадида ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 - 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон қарорларида назарда тутилган тартибда ва маблағлар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2017 йилдаги 753-сон “Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллабқувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори имзоланди [3]. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаларини, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи ва уй-жой қурилиши билан шуғулланувчи корхоналарнинг, қолаверса, молиявий институтларнинг ҳам ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, Марказий банк Бошқаруви «Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни қабул қилди (30.06.2020 йилда 3269-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Низом (2020) “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Ипотека тўғрисида”ги қонунлар, Президентнинг 13.05.2019 йилдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган [1].

Низомда (2020) аҳолига ипотека кредити тижорат банклари томонидан тўловлилик, қайтаришлик, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида қуйидаги мақсадларга берилиши белгилаб қўйилган:

- қурилишнинг белгиланган нормалари ва қоидаларига риоя қилиб яқка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;
- янги қурилган ёки иккиламчи бозордан яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш ёки ўзиникига алмаштириш;
- бошқа банклар томонидан ажратилган ипотека кредитларини миқдорларга қулай шартларда қайта молиялаштириш [4].

Низомда (2020) қуйидагилар ҳам қайд этилган:



- қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тартиби;
- ипотека кредити олиш учун буюртманомани кўриб чиқиш ва буюртманома бўйича қарор қабул қилиш қоидалари;
- қарз олувчининг тўловга лаёқатини таҳлил қилиш;
- ипотека кредитлари ажратишда банк таваккалчиликларини бошқариш усуллари;
- ипотека (гаров) предметини баҳолашга қўйиладиган талаблар;
- ипотека кредитини қайтариш тартиби;
- кредит тўлови бўйича муддати ўтган қарздорлик юзага келганда муаммоларни ҳал қилишнинг альтернатив усуллари [4].

Қарорда (ПҚ-4701, 2020) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги ҳамда Марказий банк билан биргаликда 1 декабрга қадар Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида амалга ошириладиган тажриба натижаларидан келиб чиқиб, яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишини қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди [2].

2020 йил 1 майдан 31 декабрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига янги тартиб доирасида шаҳар ва қишлоқ жойларида 4 ва ундан юқори қаватли ҳамда Тошкент шаҳрида 7 ва ундан юқори қаватли кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

- кредит суммасининг 50 фоизигача, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафиллик берилади;
- фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган ва суммаси 20 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация тўланади.

Бунда, кафиллик ва компенсациялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги томонидан квартира бир квадрат метрининг тегишли ҳудуддаги ўртача бозор қиймати ҳамда 2-хонали, 3 ва ундан кўп хонали квартиралар майдонининг белгиланган меъёрларини инобатга олган ҳолда кўп квартирали уй-жойлар қурилганда берилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 13.05.2019 йилдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4701-сонли қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2017 йилдаги 753-сон «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашда қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг «Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори



## ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Умарова Малика Бахтияровна**

PhD, катта илмий ходим,

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон  
иқтисодиётини ривожлантиришнинг  
илмий асослари ва муаммолари”

Илмий-тадқиқот маркази

Malika.umarova86@mail.ru

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашда банк тизими асосий инвестиция манбаларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини кучайтириш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда тижорат банклари иштирокини янада кенгайтириш, рискларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш, тижорат банкларининг кредит портфели муттасил ошириш ва сифати яхшиланишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида” ги Фармони мамлакатимиз банк тизимида давлат улушини босқичма-босқич камайитириш, молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайитириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Мавжуд ислохотлар натижасида банк тизимида кескин ва самарали ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳали хануз тижорат банклар орасида инновацион янгиликларни кенг қамровли жалб қилиб улгурмаган банкларимиз мавжуддир. Шиддатли иқтисодий ўзгаришлар даврида ҳар соҳада бўлганидек банк тизимида ҳам янги ёндашувлар мижозлар талабига айланмоқда.

Банк хизматлари самарадорлигини оширишда асосий эътибор замонавий технологиялар ёрдамида банк хизмати турларини ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги куннинг талаби ҳам банкларга рақамли банкингни жорий этиш, масофавий банк хизмат турларини кенгайтириш, шунингдек, банк инфратузилмасини ривожлантиришда инновацион технологияларни қўллаган ҳолда банк хизматини йўлга қўйишга қаратилган.

Ҳозирда тижорат банклари ўз мижозларига хизмат кўрсатишни яхшилаш, юқори технологияларга ихтисослашган хизмат турларини яратиш ва бир вақтнинг ўзида хизматлар таннархини камайитириш учун янги имкониятларни кидирмоқда. Бунда банклар турли стратегияларни ишлаб чиқиб амалга оширмоқда. Банкларнинг айримлари офис хизмат кўрсатиш тармоқ соҳаларини, шу жумладан, анъанавий операциялар орқали масофадан хизмат кўрсатиш бўйича янги технологияларни жорий этиш ҳисобига кенгайтиришга эътибор берса, бошқалари эса ушбу хизмат кўрсатиш турининг онлайн-шаклини қўллашни афзал деб билишмоқда.

Банк ва мижоз ўртасида ўзаро алоқа қилишнинг бир нечта турлари мавжуд: анъанавий канал, мультиканаллилик, омниканаллилик. Анъанавий канал битта каналнинг, масалан фақат офиснинг мавжудлигини назарда тутади.

Мижоз ўзи учун қулай бўлган канални танлаб олади ва шу канал орқали хизматлардан фойдаланади. Омниканаллилик шунчаки турли каналлар билан бир вақтнинг ўзида ишлашни ўзида намоён этмайди, унда мижоз ва банк ўртасида бир-бири билан самарали ва ишончли боғланган турли хил каналлар орқали ўзаро алоқа қилинади. Омниканаллиликда барча хизмат каналлари фойдаланувчининг атрофида бўлишини англатади. Бу колл-марказнинг оператори фойдаланувчининг барча ҳаракатлари, унинг аризалари, мурожаатлари, ҳал



этилган ёки ҳал этилмаган муаммолари тўғрисида тўлиқ ахборотларга эга бўлиши мумкин<sup>1</sup>

Технологияларнинг ривожланиш жараёнида инсон учун кўплаб янги мулоқот қилиш каналлари яратилган. Компания мижозлар кўшимча алоқа қилиш усулларида фойдаланганда уларнинг қониққанлик даражаси ўсишини кўрсатиб берадиган статистик маълумотларни ҳисобга олади. Ушбу каналлар татбиқ этилгандан кейин, улар кўпинча бири-бирига мувофиқ келмайди. Бу шуни англатадики, агар колл-марказ ходими вужудга келган муаммони электрон почта, чат, SMS ёки бошқа каналлар ёрдамида ҳал қилиб бера олса, унда хизматдан қониқиш даражаси кузатилади. Агарда мижоз бир канал орқали мулоқот қилиб бошласа, сўнгра бошқа канал орқали мулоқот қилишга ўтса ва ўз муаммосини такроран тушунтириб беришига тўғри келса, ушбу ҳолат норозиликка олиб келиши эҳтимоли кўпроқ.

Банк маҳсулот ва хизматларни SMS-хабарлари, push-сервислар, овозли кўнғироклар, колл-марказлар, ижтимоий тармоқлар, видеобанкоматлар ва бошқа узатиш каналлари орқали узатиш каналларининг сонини кенгайтириш янги банк ёки хизмат маҳсулотларини узатиш учун харажатларни камайтириш, зарур мижозларни жалб қилиш ҳамда бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш имкониятини беради.

Оmnиканаллилик –бу, банк ўз маҳсулотларини турли каналларда намоиш этиш имконига эга бўлиб, мижозлар ушбу каналлар орқали маҳсулотлардан фойдаланиш имкониятига эга эканлигини кўрсатиб беради<sup>2</sup>. Оmnиканалли модель орқали ўзаро алоқа қилиш каналлари ҳаммага маълум: жисмоний офис, банкомат, мобиль иловалар, банкнинг интернет сайти, колл-марказлар. Ҳозирги кунда биз барча каналлардан фойдаланадиган банкларни кўрамиз, аммо шундай банклар ҳам борки, улар фақат бир-иккита канал (интернет ва мобил иловалар) дан фойдаланмоқда<sup>3</sup>.

Ўзбекистон банк тизимига оmnиканалли банкнинг жорий этишни ягона маълумотномалар (MDM) билан биргаликда амалга ошириш лозим. Бироқ техник жиҳатдан бу алоҳида MDM-тизими ва аниқ кўрсатилган қоидалар бўйича тизимлаштирилган ва ўз навбатида, учинчи тизимда амалга оширилиши мумкин бўлган кенг ёйилган маълумотномалар тўплами бўлиши мумкин. Ҳар бир аниқ ҳолатда банкда мавжуд бўлган амалий ландшафт, маҳсулотлар қатори ҳамда нафақат оmnиканаллиликдан, балки мажбурий ҳисобот бериш талабларидан келиб чиққан ҳолда автоматлаштиришга бўлган эҳтиёжлар ҳисобга олиниши лозим. Яъни дастлаб, ИТ-стратегияси мавжуд бўлиши лозим, у банкнинг бизнес-стратегиясидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш учун тизимнинг мавжудлиги, жорий этишни назарда тутди. Тижорат банкларимиз томонидан оmnиканал банкнинг жорий этишда банк иловаларини тўғри интеграция қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бунда мижозлар тўғрисида маълумотлар сақланадиган тизим (масалан, MDM-тизим, ёки CIF ёки CRM) зарурат бўлади. Барча каналларда ушбу маълумотлардан фойдаланиш имконияти бўлиши лозим.

Оmnиканалли банкнинг стратегиясини банкларга қўллашнинг афзал томонлари шундаки, жисмоний ва юридик шахсларга молиявий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини интеграциялашган ва инновацияларга ёндашган ҳолда амалга ошириш имконияти яратилади.

Оmnиканалли банкнинг жорий этишнинг афзал томонлари:

- офис ва филиалларни таъмирлашга кетадиган харажатларнинг қисқариши, рақамли платформалар ёки интернет орқали хизмат кўрсатилиши;
- ҳужжатлаштириш жараёнига кетадиган вақтнинг қисқариши, яъни ҳамма ҳужжатлар онлайн тарзда юритилади;
- банк операцияларини қулай вақтда ва ўзи истаган жойда амалга ошириш имкониятига эгаллиги;
- ҳисоб рақамларини назорат қилиш ва бошқариш имкониятини мавжудлиги;
- банк ходимларининг тавсияларини хоҳлаган жойда ва исталган вақтда олиш

<sup>1</sup> Панюкова, В.В. (2015). Реализация стратегии омникального маркетинга торговыми организациями. Торгово-экономический журнал, 2(4), 317–328. doi: 10.18334/tezh.2.4.2052.

<sup>2</sup> CRM в банковской рознице и корпоративе. Омниканальный фронт-офис и управление корпоративными продажами банковских продуктов. <https://www.terrasoft.ru/event-crm-june/presentation>.

<sup>3</sup> Цифровые платформы и экосистемы финансовой инклюзивности. Российский опыт // Отчет Московской школы управления Сколково. Режим доступа: SKOLKOVO\_IEMS\_Research\_2015–11–11\_ru.



имкониятининг мавжудлиги.

Шунингдек, ушбу тизим мижоз ҳисобрақами, у фойдаланадиган барча хизматлар, ҳисоб рақамлари қолдиқлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириб боради. Мижоз уй ёки оффисдан видеоалоқа, колл маркази билан алоқа қилган ҳолда ўзи учун керакли маълумотларни олади, кредитни расмийлаштириш, ҳисоб рақамини очиш, депозитга пул қўйиш каби хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни кўриш мумкинки, мамлакатимизда банк инфратузилмасини ривожлантириш, “рақамли банк”ни ташкил этишда биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, иккинчидан, “digital” тизими остида ишловчи қурилмалар билан таъминлаш лозим.

Ўз навбатида, банк инфратузилмасини ривожлантириш банк хизматлари кўламини кенгайтириш, такомиллаштириш мижозлар сонини ошириш билан боғлиқ самарали механизм кетма-кетлигини таъминловчи омил ҳисобланади.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"  
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ  
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**(9-қисм)**

**Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович**  
**Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович**  
**Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---